КИССАВУРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

Фахриддинов Аловуддин Фахриддинович
ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

Аннотация: *Мақолада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўз фаолиятларида, жумладан киссавурлик ва бошқа жамоат жойларида содир этиладиган жиноятларни фош этишда рақамли техногиялардан фойдаланиш имкониятлари муҳокама қилинади; "хавфсиз шаҳар" аппарат-дастурий комплексини имкониятлари ёритилган.*

Калит сўзлар: *рақамли экспертиза, киссавурлик, жамоат жойларида содир этилган жиноятлар, жиноятларни фош этиш, "хавфсиз шаҳар" аппарат-дастурий комплекси.*

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ СОВРЕМЕННЫХ МЕТОДОВ ПРИ РАССЛЕДОВАНИИ КАРМАННЫХ КРАЖ

Аннотация: *В статье рассматриваются возможности использования цифровых технологий в деятельности правоохранительных органов, в том числе для раскрытия карманных краж и других преступлении совершенных в общественных местах, использования возможностей аппаратно-программного комплекса «Безопасный город».*

Ключевые слова: *цифровые технологии, карманные кражи, преступлении совершенные в общественных местах, расследование и раскрытие преступлений, аппаратно-программный комплекс «Безопасный город».*

USING MODERN METHODS

WHEN INVESTIGATING PICKPOCKETING

Abstract: *The article examines the possibilities of using digital technologies in the activities of law enforcement agencies, including for the detection of pickpocketing and other crimes committed in public places, using the capabilities of the hardware and software complex "Safe City".*

Keywords: *digital technologies, pickpocketing, crimes committed in public places, investigation and detection of crimes, hardware and software complex "Safe City".*

Ҳар қандай тергов ёки суд жараёни бу маълумот ва далиллар учун курашдир. Маълумот ва далилларнинг етишмаслиги ёки уларнинг ишончсизлиги жиноят ҳолатини, жиноятчиларни, жиноятни келиб чиқиш сабабларини аниқлашни мураккаблаштиради. Шу сабаб бугунги кунда криминалистиканинг янги йўналиши сифатида "рақамли суд экспертизаси" ёки "рақамли криминалистика" муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Рақамли криминалистика бу "криминалистиканинг бир йўналиши бўлиб, жиноят-процессуал қонунчиликка асосан далил йиғишда компьютер ва у билан боғлиқ қурилмаларни тадқиқ қилиш"дан иборат. Ушбу қурилмаларга мобил алоқа воситалари (телефон, смартфон ва бошқа), уйин ва интернет тармоғи орқали ишлайдиган бошқа (мисол учун, соғлиқни назорат қилиб туриш, спорт юкламаларини ўлчаш учун мўлжалланган) қурилмалар киради[1].

Рақамли технологияларни ривож топиши барча соҳаларда кескин ривожланишга олиб келди. Ҳозир ҳеч бир соҳа йўққи, хоҳ маданият, хоҳ

[1] Управление Организации Объединенных Наций по наркотикам и преступности / Введение в цифровую криминалистику / 3-в. / https://www.unodc.org/documents/e4j/Cybercrime_Module_4_Introduction_to_Digital_Forensics_RU.pdf

тиббиёт, хоҳ санъат ёки бошқа йўналиш бўлсин рақамли технологиялар ўз улушини қўшмаётган бўлса.

Рақамли технологиялар инсоният тарихида рақам ва ҳисоб пайдо бўлиши билан ривожлана бошланган деб айтсак ҳеч муболаға қилмаган бўламиз. Қадимги Шумерда эрамиздан аввалги 2700-2300 йилларда ишлатилган «абак», чизиқлар кесишмасидан иборат бўлган тахта ҳозирги калькулятор вазифасини ўтаган.

Замон ривожланиши натижасида қадимги юнондаги «антикитер механизими», ўрта асрларда ислом олимлари томонидан ихтиро қилинган «устурлоб», XVII асрда Европадаги биринчи калькуляторлар ихтироси, ҳисоб-китоб механизмларини ривожланиши оқибатида компьютерларнинг биринчи, иккинчи ва учинчи авлодлари юзага келди.

Рақамли технологияларни ривожланиши инсон ҳаётига бошқа ёндошув қўллашига олиб келиб, юзага келаётган масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш билан бир вақтида, жуда эҳтиёткорлик билан ёндошиш кераклигини талаб этади.

Ҳозирда рақамли технологияларни ёки сунъий интелектни жамиятга жалб этишда Хитой дунёнинг олд қаторида бораётган деб айтсак ҳеч муболаға бўлмайди. Амалда Хитойда сунъий интелектни кенг жорий этиш орқали фуқаролар устидан тўлиқ назорат жорий этилган. Фуқаро ҳақидаги маълумотлар бирлаштирилган битта электрон ҳужжат (идентификатор): унинг паспорт ва биометрик маълумотлари, яшаш, иш ва ўқиш жойи тўғрисидаги маълумотлар, инсон ҳақида иқтисодий ва ижтимоий маълумотлар жамланган. Яқин келажакда фуқароларнинг кундалик ҳаёти, оилавий ва жамиятдаги муносабатлари тўғрисида маълумотларни тўплаш орқали уларнинг "ишончлилик рейтинги" тузиш режалаштирилган[2].

[2] *Дубынин Е.* Космодемьянская / Возможности использования цифровых технологий в раскрытии и расследовании преступлений: практические аспекты / Теория и практика правоохранительной деятельности, УДК 343.985.7, электрон нашр.

Рақамли ёки ахборот технологиялари жиноятчиликка қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан доимий ишлатилиб келинган. Ҳодиса жойлари, тергов ҳаракатлари ёки тезкор тадбирларни фотосуратга олиш, турли картотекаларни тартибга солиниб тўпланиши, суд-криминалистика фанида далилларни тадқиқот қилиш ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилган.

Бироқ, ушбу технологиялар жиноятчилар томонидан ҳам қурол қилиб олинган. Баъзи ҳолларда техника янгиликларни ҳаётга татбиқ этишда жиноятчилар ҳуқуқ-тартибот ходимларидан олдинда бўладилар. Бунга яққол мисол кибероламда ёки банк-молия соҳасида рақамли технологиялар ёрдамида содир этилаётган ўғирлик ва фирибгарликларни келтириш мумкин. Ушбу жиноятчилар вақт ва ҳудуд билмайдиган шахслар тоифаси томонидан содир этилиши, балки бу соҳада БМТ бошчилигида дунёнинг барча мамлакатларига ягона бўлган кибер қонун-қоидаларини ишлаб чиқиб, амалга киритишни талаб этар.

Рақамли технологиялардан барча турдаги жиноятларни фош этиш учун қўлланилади, улар қаторида банк-кредит, электрон пул ўтказмалари ёки телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, зарар келтирувчи дастурларни яратиш билан боғлиқ жиноятлар, шунингдек жиноятнинг бошқа турлари, жиноят содир этган шахсларни аниқлаш, жиноий йўл билан эгаллик қилинган ашёларни топиш, ҳодиса ва бошқа жойлардан олинган из ҳамда маълумотларни тадқиқ этиш киради.

Кибержиноятчиликка қарши курашнинг энг муҳим ва зарур воситаси бу рақамли далилларни йиғишдир. У компьютер ёки бошқа рақамли қурилмаларда далилларни топиш, сақлаш, тиклаш, таҳлил қилиш, ишлатиш ва тақдим этишда кенг фойдалинади.

Рақамли криминалистиканинг бир неча йўналишлари мавжуд бўлиб, улардан қуйидагиларни келтириш мумкин:

1) компьютер (форензика)[3] - унинг асосий мақсади компьютер тизими, ахборот ташувчилар ва электрон ҳужжатларнинг ҳозирги ҳолатини талқин қилиш, Компьютерни талқин қилиш ёки унинг экспертизаси кенг кўламли маълумотларни, электрон журналлар, интернетдаги турли маълумотлардан тортиб, диск ёки флешкадаги (ахборот ташиш қурилмасидаги) файлларни қамраб олади;

2) мобил қурилмалар экспертизаси - компьютер экспертизасидан унинг фарқи мобил қурилмалар интеграциялашган алоқа тизимига эга. Тадқиқот қўнғироқлар ва хабарларни (СМС, электрон почта) ўрганиш ва ўчирилган маълумотларни тўлиқ тиклашга асосланган. Мобил қурилмалар ўз ҳаракатланиш нуқталари тўғрисида маълумотларини тақдим этиши билан ҳам қизиқарлидир. Буни қўнғироқлар журнали орқали ёки GPS ёрдамида кузатиб бориш мумкин.

3) тармоқ экспертизаси – тармоқ трафикни, маҳаллий ва ҳалқаро интернетни боғланишларини таҳлил қилади ва кузатиб боради, тизимга тажовузларни аниқлайди ва далиллар тўплайди;

4) медиа (видео, аудио, тасвирлар) – DVR маълумотлар излаб олиш, видео ва тасвир сифатини яхшилаш, видеотаҳрир ва монтаж изларини аниқлаш, воқеалар ва объектларни автоматлаштирилган тадқиқ этиш

ва ишлов бериш[4].

Рақамли технологиялардан жиноятларни фош этишда фойдаланиш масаласи юқорида айтилгандек жуда кенгдир. Агар айнан киссавурлик ёки жамоат жойларида содир этиладиган бошқа жиноятларни фош этиш масаласини кўриб чиқсак, бу жиноятчиларни

[3] “Forensics” атамаси лотин тилидаги “foren science” (суд фани) сўзининг қисқартирилган шакли бўлиб, ўзбек тилига кириб келган “криминалистика” сўзи билан бир хил маънога эга.

[4] *Пшава В.В., Плетнев А.Б., Соколов Г.Г.* / К вопросу об использовании цифровых технологий при расследовании и раскрытии преступлений / электрон нашр ПРАВО, УДК 343.98, DOI: 10.24412/2411-2275-2022-3-142-145.

аниқлаш, уларнинг ҳаракатланиши ва қилмишларини электрон ҳужжатлаштириш билан боғлиқ.

Мисол тариқасида Тошкент шаҳри ва бошқа катта шаҳарларда амалга киритилиб фойдаланиш даражаси ривожланаётган “Хавфсиз шаҳар” ягона аппарат-дастурий комплекси[5] ва унинг бир тизими тариқасида ИИВ амалга киритилган Ягона тезкор бошқарув марказининг имкониятларини келтириш мумкин.

“Хавфсиз шаҳар» ягона аппарат-дастурий комплексини ташкил этиш

ва ривожлантиришнинг мақсади, ҳуқуқ тартибот ва хавфсизлик учун масъул бўлган барча куч ҳамда воситаларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиришни яхшилаш, уларни фаолиятига замонавий интеллектуал тизимлари жорий қилиш, муайян ҳудудни мониторинг қилиш орқали юзага келиши мумкин бўлган таҳдидлар ва фавқулодда ҳолатларни прогноз қилиш, уларни олдини олиш ва бартараф этишни назорат қилиш, навбатчи ва диспетчер хизматларининг ҳаракатларини ягона бошқарувини амалга оширишдир.

Жамоат жойлари ва жамоат транспорти киссавурлик жиноятлари содир этидиган асосий ўчоқлар ҳисобланади. Жамоат жойларида ва жамоат транспорти салонларига ўрнатилган видеокузатув воситаларини “Хавфсиз шаҳар» ягона аппарат-дастурий комплексига уланиши ва олинган видеоёзувлар бўйича жиноятчиларни аниқлаш натижасида ноаён ҳолатда содир этилган жиноятлар фош этилмоқда, жиноятчилар жиноят устида ушланмоқда.

Мисол тариқасида, ўтказилган тадбирлар давомида Тошкент шаҳар ИИББ ягона тезкор бошқарув марказининг “Қалқон” тизими

[5] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 29.11.2021 йилдаги ПФ-27-сон Фармони / Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги Концепциясининг 14-моддаси.

орқали 2024 йил 9 январь куни фирибгарлик, ўғирлик ва товламачилик жиноятларини содир этганлиги сабабли қидирувда бўлган 6 нафар фуқаро аниқланган ва ушланган[6].

Рақамли криминалистика қўлланиладиган йўналишлардан бири бу мобил алоқа қурилмалар экспертизасига алоҳида эътибр қаратиш лозим. Жиноятчилар томонидан ўғриланган мобил қурилмаларни ўтказиш учун уларнинг IMEI рақамларини ўзгартириш, тарихини ўчириш ҳолатлари кенг тарқалган.

Тезкор ходимлар ўртасида киссавурликда тажовуз объекти тўғрисида сўралганда, респондентларнинг 54,9 фоизи телефон ўғирлиги содир этилаётганлигини маълум қилишган[7]. Ушбу сўров натижаси ўзлаштирилган мобил қурилмаларни анқилашда рақамли экспертизанр нақадар зарурлигини билдиради.

Илмий-техник тараққиётнинг ривожланиши, янги коммуникация воситаларнинг пайдо бўлиши, жамиятдаги деярли барча соҳаларини, шу жумладан жиноятчиликка қарши курашишни рақамлаштириш, жиноятларни тергов қилиш стратегияси ва тактикасида муҳим ўзгаришларга олиб келади. Ҳозирда амалиётда юзага келаётган муаммоларнинг асосий сабаби бизнинг фикримизча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларида замонавий шароитларда ишлаш учун тегишли касбий тайёргарлик ва кўникмаларни етмаётгани ҳисобланади. Ушбу сабабли ходимлари рақамли криминалистика усулларини қўллашда янги ёндашувларини ўз амалиётларига киритишлари лозим.

[6] Тошкент шаҳар ИИБнинг 2024 йил 10 январь кунидаги хабаридан / https://iibb.uz/uz/news/qalqon-tizimining-natijalari.

[7] Сўров Қорақалпоғистон Республикаси,Тошкент шаҳар, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари ИИВ-ИИББ-ИИБ ЖҚБ тезкор-излов бўлинмалари ходимлари ўртасида ўтказилган.

Киссавурликка қарши курашишда рақамли криминалистика қуйидаги ҳолатларда фойдаланиши мумкин:

ноаён ҳолатда содир этилган жиноятлар бўйича видеокузатув воситаларида қайд этилган шахсни айнанлигини аниқлаш;

жиноятчи фойдаланишида бўлган мобил қурилмалар орқали уларнинг ҳаракат йўналиши орқали аниқлаш, ноаён жиноятларни фош этиш;

жиноятчига тегишли ёки у томонидан ўғриланган мобил ёки бошқа рақамли қурилмани тадқиқ қилиш орқали ўчирилган маълумотларни ва IMEI рақамини тиклаш.

Шунингдек, рақамли технологияларни ҳаётга тадбиқ этиш натижасида видеокузатув ва мобил алоқа воситаларининг ҳаракатланиш маълумотлари натижасида жиноятчини ҳаракат йўналишини аниқ аниқлаш имкониятини кенгайтиради.

Бунга яққол мисол қилиб Шотландияда 2025 йилда содир этилган қотиллик жиноятини фош этилиши юзасидан BBC томонидан тайёрланган ҳужжатли фильмда рақамли технологияларни жиноятни фош этишдаги имкониятлари кенг ёритиб берилган[8].

Юқорида берилган маълумотларга хулоса этиб шуни айтиш жоизки, бугунги кунда жиноятни фош этишда ва жиноятчини аниқлашда рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятлари доимий равишда кенгайиб бормоқда. Аммоу ушбу жараёни жиддий миқдорда молиявий маблағлар билан бир қаторда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва жалб этиш орқали жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишни талаб этади.

[8] «Ваш телефон знает о вас все: загадка сгоревшей машины» / Би-би-си ҳужжатли фильми / https://www.bbc.com/russian/articles/cgrd0gr7pvyo